

“ФАВОИДУ-Л-БАХИЯ” АСАРИДА ХАНАФИЙ ОЛИМЛАР ТАРИХИ

Аббосхон Абдуллаев,

Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази илмий
ходими

ИСТОРИЯ ХАНАФИТСКИХ УЧЕНЫХ В КНИГЕ «ФАВОИДУ-Л-БАХИЯ»

Аббосхон Абдуллаев,

научный сотрудник Международного исследовательского
центра Имама Термизи

HISTORY OF HANAFI SCIENTISTS IN THE BOOK “FAVOIDU-L-BAHIYA”

Abbosxon Abdullayev,

researcher at the International scientific-research Center of
Imam Termizi

Аннотация: Ушбу мақола ҳинд диёридан етишиб чиққан аллома, шайх, муҳаққиқ Абулҳасанот Абдулҳай Лакнавийнинг ҳаёти, илмий фаолияти ҳамда унинг “Фавоиду-л-бахия” асари ёзилиши тарихига багишланган. Шунингдек, мазкур мақолада “Фавоиду-л-бахия” асарининг ислом цивилизациясидаги аҳамияти, мусулмон олимлари ҳаёти ва илмий фаолиятини тадқиқ этишидаги роли очиб берилган.

Калит сўзлар: Қуръон, ҳадис, фикҳ, Абулҳасанот Абдулҳай Лакнавий, “Фавоиду-л-бахия”, дин аҳкомлари.

Аннотация: Данная статья посвящена жизни, научной деятельности индийского учёного, шейха, исследователя Абулхасаната Абдулхая Лакнави и истории написания его труда «Фавоиду-л-бахия». Также в данной статье раскрывается значение труда «Фавоиду-л-бахия» в исламской цивилизации, его роль в исследовании жизни и научной деятельности мусульманских ученых.

Ключевые слова: Коран, хадисы, фикх, Абулхасанот Абдулҳай Лакнави, «Фавоиду-л-бахия», правила религии.

Annotation: This article is devoted to the life and scientific activities of the Indian scientist, sheikh, researcher Abulhasanot Abdulhai Laknawi and the history of writing his work “Favoidu-l-bahiya”. This article also reveals the significance of the work “Favoidu-l-bahiya” in Islamic civilization, its role in the study of the life and scientific activities of Muslim scientists.

Key words: Koran, hadith, fiqh, Abulhasanot Abdulhai Laknawi, “Favoidu-l-bahiya”, rules of religion.

КИРИШ (ВВЕДЕНИЕ / INTRODUCTION). Уламоларнинг ҳаёти ва ижоди, устозлари, шогирдлари, уларнинг ривоятлари, саёҳатлари, туғилишлари ҳамда вафотлари ҳақидаги маълумотларни ўзида қамраган тарихга оид китобларни тадқиқ этиш бугунги кундаги муҳим масалалардан хисобланади. Ривоятлар, ҳадислар, дин аҳкомлари билан боғлиқ бўлган фанларни ўрганишга ислом уламолари жиддий киришганлар. Натижада мазкур соҳалар бўйича

бир қатор бебаҳо асарлар ёзилган. Яратганинг инояти билан Ҳиндистон ярим оролида ҳам ислом исмлари бўйича маҳоратли олимлар етишиб чиқди. Улар дарс бериш ва китоб ёзиш орқали инсониятга манфаат келтирдилар. Бу худуддаги маъҳад ва университетларда дунёга машҳур олимлар етишиб чиқди. Ушбу илмий муассасалар қаторига Девбанддаги “Дорул улуми-л-исломия”, Добилдаги “Ал-Мажлис ал-илмий” ҳамда “Ал-Жомиъат ал-исломия”, Дехлидаги “Ал-Мадраса



Тел: +998 97 532 28 58

E-mail:

[abbosxon.abdullayev@mail.](mailto:abbosxon.abdullayev@mail.ru)

ru

<https://orcid.org/0009-0009-5435-4967>

ал-арабийя ал-аминия” ва бошқаларни айтиш мумкин [1].

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДЛАР (ЛИТЕРАТУРА И МЕТОД / MATERIALS AND METHODS). Ҳинд диёрида етишиб чиққан алломаларга “Файзул Борий” асарининг муаллифи, аср имоми Мұхаммад Анваршоҳ, “Фатхул мұхим” асарининг муаллифи Шабир Аҳмад ал-Усмоний, Абу Довуд “Сунан”ининг шархи “Базл ал-мажхұд” асарининг муаллифи Халил Аҳмад Саҳорнағавий, Имом Термизий “Сунан”ининг шархи “Маъориф ас-сунан” асарининг муаллифи Мұхаммадюсуф Баннурый, шайх Мұхаммадбадр олим ал-Миртахий, шайх Ҳусайн Аҳмад ал-Мұхәжир ал-Маданий, шайх Мұхаммадашраф ат-Таҳсований ва бошқаларни мисол келтириш мумкин.

Ана шундай уламолардан бири, истеъодод ва ўткир заковати билан ўзининг қисқа умрини илмий фаолиятга бағишилаган шайх, мұхаққик Абулҳасанот Абдулҳай Лакнавий Ҳиндий бўлиб, у “Ал-Фавоид ал-баҳия” китобининг муаллифидир [2].

Аллома, мұхаққик Абдулфаттоҳ Абу Ғудданинг Абулҳасанот Абдулҳай Лакнавий асарлари борасида қилган меҳнатини инобатга олиш керак, чунки у киши бу имомнинг китоб ва рисолаларини таҳқиқ қилган.

Абдулҳай Лакнавийнинг китобларини ўқиган киши уларнинг қадр-кимматини билади. Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам бу тўғрида айтганлар:

يَحْمِلُ هَذَا الْعِلْمُ مِنْ كُلِّ حَلْفٍ عُدُوْلَهُ يَنْقُونَ عَنْهُ تَحْرِيفُ الْغَالِبِينَ وَ اتْنَحَّلَ الْمُبْطَلِيْنَ وَ تَأْوِيلُ الْجَاهِلِيْنَ

Бу илмни кейингилардан ўртачаси кўтариб оладида, уни ғулув кетувчиларнинг ўзгартиришидан (ҳаддан ошувларнинг ҳаддан ошишидан), қосирлик қилувчилар қусуридан, жоҳилларнинг нотўғри тавил қилишидан қайтаради. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ушбу гаплари шайх Абулҳасанот Мұхаммад Абдулҳайга мувоғиқ келади, чунки у қилган ижоди билан исломий илмлар ривожига катта хизмат қилди [3].

МУҲОКАМА (ОБСУЖДЕНИЕ / DISCUSSION). “Ал-фавоид ал-баҳия” асари аслида бошқа бир китобнинг мухтасар шакли ҳисобланади. У китоб 990/1582 йил вафот этган

Мавло Маҳмуд ибн Сулаймон ал-Кафавийнинг “Китобу аълом ал-ахёр мин фуқаҳои мазҳаб ан-Нуъмон ал-Мухтор” асари бўлиб, муаллиф уни қисқартирган ҳамда унга қўшимча келтирас экан, “Қола ал-жомиъ”, – деб илова қилган. Муаллиф унга мұхим шарҳларни ёзиб, “Ат-Таълиқот ас-санний”, деб атади. У “Фавоид ал-баҳия”дан сўнг бошқа бир рисола ёзиб, уни “Тараб ал-амосил битарожим ал-афозил”, деб номлади [4].

“Ал-Фавоид ал-баҳия” асарининг муаллифи олим, мұхаддис, фақих, мутакаллим Абулҳасанот Мұхаммад Абдулҳай ибн Абдулҳалим ибн Аминуллоҳ ибн Мұхаммадакбар ибн Абурраҳм ибн Мұхаммад ибн Яъқуб ибн Абдулазиз ибн Мұхаммад ибн шайх шаҳид Кутбиддин Ансорий Саҳолавий Лакнавий Ҳиндий ҳисобланади. У кишининг наасаби Расулуллоҳнинг улуғ сахобалари Абу Айюб ал-Ансорийга бориб тақалади. Абулҳасанот 1264/1848 йил 26 зулқаъда ойида Ҳиндистоннинг Бондо шаҳрида таваллуд топди. У беш яшарлигида Қуръон ёдлашга киришди, ўн ёшида уни тўлиқ ёдлади. Аллома ўзи ҳақида: “Менга норасидалик вақтимда ёдлаш қуввати берилди, шу сабабли барча ҳодисаларни беш ёшимда Фотиҳа сурасини ёдлаганим каби аниқ ёддан биламан”, – деган [2].

У биринчи бўлиб форс тилини, китобат санъати ва ҳусни хатни отасидан ўрганди. Кейин шаръий илмларни эгаллашга киришди. Наҳв, сарф, маъоний, баён, мантиқ, хикмат, тибб, фикҳ, усул, илми қалом, ҳадис, тафсир китоблари ва бошқа илмларни ўқиди. Аллома бу илмларнинг аксариятини отасидан ўрганди. У ёшлигида ёк дарс бериш ва асар ёзишга қизиқди. Шу орқали унга илм эгаллашга имконият ҳосил бўлди ҳамда китобларни бевосита устозлар кўмагисиз тушуниш малакаси пайдо бўлди. Абулҳасанот Лакнавийнинг энг яхши кўрган илмлари ҳадиси шариф ва фикхул ҳадис эди, шу билан бирга унда ақлий илмларни ўрганишга ҳам кучли иштиёқ бор эди. Алломанинг илк устози отаси Мұхаммад Абдулҳалим Лакнавий ҳисобланади. Отаси вафот этгач, ақлий илмларни тоғаси шайх устоз Мұхаммад Неъматуллоҳдан ўрганди. Ҳисоб илмини эса Мавлавий Мұхаммад Ҳодим Ҳусайн Азимободийдан ўрганди [1].

Аллома Ҳинд ва Ҳижоз шаҳарларига сафарга чиққач, уларнинг энг машҳур олимларидан

илм ўрганиб, улардан ижозани қўлга киритди. Уларнинг энг машҳурлари сифатида Маккаи Мукаррама Шофиъий муфтийси Шайх Сайид Аҳмад ибн Зайн Диҳлон, Маккаи Мукаррама Ҳанбалийлар муфтийси Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Ҳумайд Ҳанбалий, Шайх Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Гарб Шофиъий, Шайх Абдулғани ибн Абу Саъид ал-Умарий ал-Ҳанафий ад-Дехлавий ал-Маданий кабиларни қайд этиш мумкин.

Абулҳасанот Лакнавий ўз устозларнинг нисбатлари ҳамда улар томонидан унга берилган ижозаларини “Инбоу ал-хиллон би анбои уламои Ҳиндистон” номли алоҳида бир рисола қилган [3].

Шайх Лакнавий таълим бериш, китоб ёзиш ҳамда дин йўлидаги муборак ҳаётдан сўнг 1304/1887 йил рабиъул аввал ойидан бир кечада қолганда бу дунёни тарқ этди. У кишининг умри қирққа етмай туриб Лакнауда қариндошлари ётган қабристонга дағн этилди.

НАТИЖАЛАР (РЕЗУЛЬТАТЫ / RESULTS).

“Ал-фавоид ал-баҳийя” китобининг мухтасар қилиб ёзилиши сабаблари:

“Ҳамду салотдан сўнг, Роббининг кучли кечирувини умид қилувчи Абулҳасанот, Муҳаммад Абдулҳай Лакнавий (унинг ошкор ва маҳфий гуноҳларини Аллоҳ кечирсинг) марҳамат қиласди:

“Албатта, ибрат олувчи учун тарих илмида ибрат, ўтганлар ҳаётини кўз олдига келтириш ҳамда бу дунёдаги барча нарса қазо ва қадар ҳукмига мағлуб эканига нидо бор. У тақдир қилинган вақтдан бир зум олдинга кета олмайди ҳам кейинга қола олмайди. Бу муддат ақллилар хабар топа олмайдиган, илмсизлар фойдалана олмайдиган бир муддатdir. Танқидчи кўра олишидан афзal, ғофилнинг кўзи ўтишидан олийдир. Унинг турли йўллари, ҳар хил қўчалари бор. Уларнинг энг каттаси киборлар таржимаи ҳолини ўрганиш, яхшилар хабарларидан воқиф бўлишдир. Улар ўтмишгина бўлиб қолмасдан, барча фойда ҳамда муҳим манфаатлар шунда жамланган. Уларнинг одоблари билан одобланиш, ахлоқлари билан хулқланиш учун фазилатлари, сифатлари, тетикликлари ва буюкликларидан хабардор бўлиш ўша фойдалардандир. Ўша азизларнинг туғилган асрлари ҳамда вафот этган замонларини билиш ҳам фойдадан холи эмас. Уларнинг асарлари, хи-

коялари, файзлари ҳамда асарларидан хабар то-пиш ҳам фойдадан холи бўлмайди. Буларни билиш орқали уларнинг йўлини тутиш, сийратла-рига эргашиш шавқи ортиб боради. Мен гўдак-лиқдан ўспиринлик сари улгаяр эканман, буюк олимлар ҳақида ўқиб-ўрганишга шавқим ортиб борди. Қанчадан-қанча тарих китоблар, йил ва вақтлар ҳодисалари ёзилган саҳифаларни мутолаа қилдим. Натижада уларни бир тўпламга жамлаш учун етарли насиба ва кўп миқдордаги бойлика эга бўлдим. Энди мен уларни ягона тўпламга жамлашни хоҳладим. Менинг бу ишга қарор қилишинга бизнинг замонда ва ундан олдин ўтган уламоларнинг бу ишни арзимас нарса сифатида ортга ташлаб қўйганлари сабаб бўлди” [4].

Дарҳақиқат уч юз эллик саҳифадан ортиқ бу китобда беш юзтадан кўп Ҳанафий фаҳихлар тарихи ёзилган бўлиб, ўқувчиларга уламолар ҳаёти, ижоди билан яқиндан танишиб чиқиши имконини беради. Чунки уламолар тарихи бизга маънавий озуқа бўлиб, илм майдонига кириб боришимизга хизмат қиласди. Шунингдек, доно-лар ҳаётидан ибрат олиш, уламолар таржимаи ҳолини билишга қизиқиши, уларнинг қисқа вақт ичидаги кўп нарсага эришганликлари бизга берилган энг қимматбаҳо бойлиқ вақт эканлигини, ундан унумли фойдалана олиш билан кўп яхшиликларга эришиш мумкинлигини кўрсатиб беради.

ХУЛОСА (ЗАКЛЮЧЕНИЕ / CONCLUSION). Хулоса сифатида айтадиган бўлсак, “Ал-Фавоиду-л-баҳия” китоби алифбо тартибида берилиб, Иброҳим ибн Исмоил саффор тарихи билан бошланган. Асарда беш юз йигирма тўртта уламолар таржимаи ҳоли баён қилинган бўлиб, унда Ҳанафий мазҳабининг улуғ сиймолари мероси, ижоди, туғилган йиллари, вафот этган йиллари, устозлари, шогирдлари ҳақида муҳим малумотлар берилган.

Adabiyotlar ro‘yxati (Использованная литература / References)

1. Аҳмад ибн Яхё ал-Балозурий. Ансоб ал-ашроф. 13 Ж. – Байрут: Дор ал-Фикр, 1996.
2. Бағдодий. Ҳадяту-л-орифин.
3. Хайриддин Зириклий. Ал-Аълом. 8 Ж. – Байрут: Дор ал-илм ли-л-малолийн, 1986.
4. Ҳожи Халифа. Кашфу-з-зунун. – Байрут: 1981.